



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI HOKIMINING
Q A R O R I

Termiz shahri, At-Termiziy ko'chasi 1-uy. 190100, tel.: (+99876) 224-00-15, surxon@exat.uz, gov@sdv.uz

2021 -yil " 5 " may

Қ-401 -son

Termiz sh.

Музработ тумани “Навбахор” массиви худудидан “Музработ Металлургия” МЧЖга “Металлургия заводи, тайёр маҳсулотларни ва хом ашёларни сақлаш омборхоналарини қуриш, қуёш энергияси станцияси, темир руда чиқиндиларидан замонавий ялтироқ ғишт, плиткалар ишлаб чиқариш цехларини ўрнатиш” учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5,87-моддаларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон Фармониغا асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2021 йил 26 апрелдаги 03-02/327-сон йиғилиш баёни, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармасининг 2021 йил 24 апрелдаги 62-сон хулосаси, Музработ тумани ҳокимининг 2021 йил 18 мартдаги 01-05/66-сон хатини инобатга олиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Музработ тумани “Навбахор” массиви худудидан “Музработ Металлургия” МЧЖга туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 341 ва 340-дала контурларидаги жами 11,2 гектар, шундан 10,6 гектар яйлов, 0,2 гектар ариқлар ва 0,4 гектар бошқа ер майдонлари, шундан 8,7 гектари завод атрофини кўкаламзорлаштириш ва 2,5 гектар яйлов ер майдонига “Металлургия заводи, тайёр маҳсулотларни ва хом ашёларни сақлаш омборхоналарини қуриш, қуёш энергияси станцияси, темир руда чиқиндиларидан замонавий ялтироқ ғишт, плиткалар ишлаб чиқариш цехларини ўрнатиш” учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

2. “Музработ Металлургия” МЧЖ 2,5 гектар яйлов ер майдонига “Металлургия заводи, тайёр маҳсулотларни ва хом ашёларни сақлаш омборхоналарини қуриш, қуёш энергияси станцияси, темир руда

чиқиндиларидан замонавий ялтироқ ғишт, плиткалар ишлаб чиқариш цехларини ўрнатиш” учун қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш мақсадида 38 146 150 (ўттиз саккиз миллион бир юз қирқ олти минг бир юз эллик) сўм давлат тўлов қоплама қийматини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги газначилиги Тошкент ХККМ Марказий банкининг ҳисоб рақами 23402000300100001010 СТИР: 201122919 код: 00014 бюджет ҳисоб рақами 4014108609224013450717186 га беш кун муддатда тўлаб берилишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси (М.Абдурахманов)га ажратиб берилган ер майдонидан самарали ва мақсадли фойдаланилишини доимий назорат қилиб бориш, ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасига ҳамда ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритиш юклатилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Кадастр палатаси Сурхондарё вилоят бошқармаси (С.Шаймарданов) ер участкаси чегараларини жойида (натурада) белгилашни амалга оширсин ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

5. Вилоят қурилиш бош бошқармаси (К.Эшматов) қонунчиликда белгиланган тартибда қурилиш ишларини лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқлигини мониторинг қилиб борсин.

6. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Суванкулов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов